

ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Абдуллаев Акмалжон Йўлчибоевич

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Дастлабки тергов ва суриштирув кафедраси ўқитувчиси.

ORCID ID 0009-0002-4302-2341

Саидов Джурабек Жалолович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура

тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19224839>

Аннотация. Мазкур мақолада электрон далиллардан фойдаланиш заруриятининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи комплекс тарзда таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кибержиноятчиликнинг шаклланиши, электрон далилларнинг илк бор қўлланилиши, уларнинг жиноят-процессуал аҳамияти ҳамда халқаро ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланиш босқичлари ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида электрон маълумотлар ва рақамли далиллар институтининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва уларнинг процессуал мақбуллигини таъминлаш масалалари илмий жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: далил, электрон далил, рақамли далил, электрон маълумотлар, ишни судга қадар юритиш, ахборот технологиялари.

Аннотация. В данной статье комплексно проанализированы предпосылки возникновения и этапы развития использования электронных доказательств. Автором рассмотрены формирование киберпреступности в условиях развития информационных технологий, первые случаи использования электронных доказательств, их уголовно-процессуальное значение, а также этапы закрепления в международном и национальном законодательстве. Особое внимание уделено развитию института электронных данных и цифровых доказательств в законодательстве Республики Узбекистан и вопросам обеспечения их допустимости.

Ключевые слова: Доказательство, электронное доказательство, цифровое доказательство, электронные данные, досудебное производство, информационные технологии.

Abstract. This article provides a comprehensive analysis of the emergence and development of the use of electronic evidence. It examines the formation of cybercrime in the context of information technology development, the first instances of the use of electronic evidence, their procedural significance, and the stages of their recognition in international and national legislation. Special attention is given to the development of electronic data and digital evidence in the legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as issues related to ensuring their admissibility.

Key words: evidence, electronic evidence, digital evidence, electronic data, pre-trial proceedings, information technology.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари бўйича 2021 йилнинг 19

январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун уларга тарихни яхши ўргатиш, бу борадаги илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди¹.

Маълумки, ҳар бир ижтимоий ҳодиса ёки воқеликнинг моҳиятини англаб етиш аввало, унинг тадрижий илдизи ва тарихий манбаларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Шу ўринда, электрон далил тушунчасини пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларини ўрганиш ҳуқуқни кўллаш амалиётида электрон далиллардан самарали фойдаланиш, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Зотан, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замида шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб ривожланишни талаб этади. Электрон далиллар ҳам ахборот-коммуникация технологиялари замидаги далилларнинг янги туридир.

Сир эмаски, муайян ҳолат ёки тушунча қонунчиликда юзага келиши учун унга эҳтиёж пайдо бўлиши зарур. Ишни судга қадар юритиш жараёнида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида электрон далиллардан фойдаланишга тарихий эҳтиёж жамиятимизга ахборот-технологиялари кириб келиши ва муқим жой эгаллашига бориб тақалади.

Дарҳақиқат, инсонлар аввалига ахборот-технологияларини ўз ҳаётларини енгилаштирувчи ва янада фаровон этувчи, вақтларини тежашга ёрдам берувчи ҳамда кундалик фаолиятларини самарали ўтказишга кўмаклашувчи восита сифатида қабул қилишган бўлса, кейинчалик ахборот-технологияларининг инсониятга ёрдамидан кўра зарари кўпроқ, энг ачинарлиси, ушбу зарар бошқа зарарларга қараганда мудхишроқ ва кўлами жуда кенг эканлигини англаб етишди. Бугунги кунда дунёдаги ҳар етти нафар шахсдан бир нафари ўзининг шахсий телефон аппаратидаги бошқалар томонидан шаъни ва кадр-қимматини камситилишига олиб келувчи шахсига доир маълумотлари интернет жаҳон тармоғига сизиб чиқиб кетганидан ёки уни сўзлашувлари ҳамда бошқа оилавий сирлари Моссад каби махфий хизматлар томонидан қўлга киритилганидан ёхуд ўзига тегишли пул маблағлари номаълум шахслар томонидан ноқонуний тарзда ечиб олинаётганидан шикоят қилмоқда.

Бугунги замонавий шароитда смартфонлар, компьютерлар, серверлар, булутли хизматлар каби рақамли воситалар жиноят фаолиятининг изларини сақловчи асосий манбаларга айланган бўлиб, уларсиз терговни самарали олиб бориш деярли имконсиз ҳисобланади.

Мана шулардан келиб чиққан ҳолда электрон далиллардан фойдаланиш заруриятининг вужудга келишига айнан нима туртки берганлигини, айнан қайси давлатда илк бор ахборот-технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этилганлигини, илк бор қачон ва қаерда электрон далиллар ёрдамида жиноят фош этилганлигини ва биринчи марта қайси мамлат ўз қонунчилигида электрон далил тушунчасини ифода этганлигини, бир сўз билан айтганда электрон далилларни вужудга келиши ва ривожланиш тарихини ёритишга ўтсак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича 2021 йилнинг 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.02.2026).

Ахборот технологиялари жадал ривожланиши натижасида жиноятчиликнинг янги кўриниши — кибержиноятчилик шаклланди. Илмий адабиётларда қайд этилишича, электрон воситалар орқали содир этилган илк ҳуқуқбузарликлар 1960 йилларда АҚШда, хусусан, Массачусетс технология институти (MIT) талабалари томонидан телефон тармоқларига ноқонуний аралашиб (“phone phreaking”) орқали амалга оширилган².

Гарчи мазкур ҳаракатлар дастлаб жиноят сифатида ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ баҳоланмаган бўлса-да, улар кибержиноятчиликнинг илк кўринишлари сифатида эътироф этилади.

Кейинчалик, 1971 йилда ARPANET тармоғида “Creepер” дастури пайдо бўлиб, у тармоқ орқали ўзини кўчириш хусусиятига эга бўлган илк дастур сифатида тарихга кирган³. Бу эса компьютер тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди.

Кибержиноятчиликнинг амалиётда жиддий тус олиши 1980 йилларга тўғри келади.

Хусусан, 1986–1987 йилларда Германия ҳакерлари томонидан АҚШнинг ҳарбий ва илмий тармоқларига ноқонуний кириш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, мазкур ишлар доирасида илк бор компьютер логлари, тармоқ фаолияти излари ва рақамли маълумотлар тергов жараёнида далил сифатида қўлланилган⁴.

1988 йилда эса Роберт Моррис томонидан яратилган “Morris Worm” интернет тармоғида кенг тарқалиб, тармоқ инфратузилмасининг катта қисми ишдан чиқишига сабаб бўлган⁵. Ушбу жиноят ишини тергов қилиш жараёнида тармоқ журналлари (log-файллар), дастурий код таҳлили ва бошқа электрон маълумотлар судда асосий далил сифатида тақдим этилган бўлиб, бу ҳолат электрон далилларнинг жиноят-процессуал аҳамиятини амалда намоён этган илк ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Электрон далил тушунчасини тарихига назар солсак, электрон далиллар компьютер билан боғлиқ жиноятларнинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида юзага келиб, 1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошида АҚШда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар электрон жиноятлар келиб чиқиши, уларни очиши натижасида фанга электрон (рақамли) далил тушунчаси ҳам кириб келган⁶.

Электрон далиллардан фойдаланиш амалиёти ҳам дастлаб АҚШда шаклланган бўлиб, айниқса банк тизими ва телекоммуникация соҳасидаги жиноятларни фош этишда электрон транзакциялар, сервер журналлари ва бошқа рақамли маълумотлар кенг қўлланила бошланган⁷. Бу эса электрон маълумотларни далил сифатида тан олиш заруратини юзага келтирди.

1984 йилдан бошлаб, АҚШнинг Федерал қидирув бюроси лабораторияси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар компьютер воситалари билан содир қилинган жиноятлар ва уларни очиш билан шуғулланишни бошлашган.

Шу муносабат билан 1986 йилда АҚШда “Computer Fraud and Abuse Act” (CFAA) қабул қилиниб, унда компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш жиноят сифатида

² Levy S. *Hackers: Heroes of the Computer Revolution*. – New York, 1984.

³ Thomas J. *The History of Computer Viruses*. – 2003.

⁴ Denning D.E. *Information Warfare and Security*. – Addison-Wesley, 1999.

⁵ Spafford E.H. *The Internet Worm Incident // Purdue University Report*, 1988.

⁶ Digital evidence and computer crime by Eoghan Casey. Published by Elsevier Inc. 2011;

⁷ Casey E. *Digital Evidence and Computer Crime*. – Elsevier, 2004.

белгиланди ҳамда электрон маълумотлар ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида эътироф этилди⁸.

АҚШнинг Федерал жиноятчилик лабораторияси директорлари компьютер воситаларидаги янги криминалистика соҳаси ҳақида 1998 йилда кенг кўламли илмий изланишлар олиб боришиб, АҚШ Федерал қидирув бюроси лабораторияси директори ўринбосари доктор Дон Кер, Федерал қидирув бюросининг компьютер аналитикаси гуруҳи раҳбари Марк Полит ва Адлия, компьютер жиноятчилиги ва интеллектуал мулк бўлими бошлиғи Скот Чарней раҳбарлигидаги илмий гуруҳ 1998 йил 12 май куни рақамли аудио, рақамли видео ва рақамли компьютер криминалистикаси ҳақида илмий иш олиб боришиб, кенг кўламли илмий муҳокамалардан сўнг, компьютер ёрдамида содир қилинадиган жиноятчилик ва компьютер криминалистикасини умумий қилиб, “рақамли криминалистика” (digital evidence) атамасини қўллашга келишишган⁹.

Компьютер билан боғлиқ жиноятларни очишдаги қийинчиликлар АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини мазкур турдаги жиноятлар билан курашишга олиб келди. Натижада Федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш маркази (Federal Law Enforcement Center) ва Миллий жиноятчилик тизими маркази (National Collar Crime Center) каби ўқув марказлари ташкил этилиб, мазкур ўқув марказлари компьютер воситалари орқали содир қилинаётган жиноятларни очиш учун турли ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига компьютер воситалари билан содир қилинаётган жиноятларни очишда электрон (рақамли) далилларнинг аҳамияти ва уларни қўллашни ўргата бошлади.

Шундан сўнг, ҳуқуқий илм-фан соҳасига янги тармоқ, яъни рақамли криминалистика (digital forensics) фани кириб келиб, мазкур соҳа жуда тезлик билан ривожланди.

Рақамли криминалистика фанидаги энг катта ютуқлардан бири – бу Америка рақамли криминалистика академияси томонидан 2008 йил 20 февральда нашр қилинган “Рақамли ва мултимедия илмлари” номли китоби ҳисобланиб, мазкур китобда рақамли криминалистиканинг охириги 28 йилдаги барча ижобий ютуқлари ҳақида илмий маълумотлар келтирилган.

Криминалистика фани ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу жиноятларни очиш ва олдини олишда далилларни топиш, олиш, мустаҳкамлаш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳаракатларни жиноят процессуал қонунчилиги талаблари асосида амалга оширадиган тактик-методологик усулларни, илмий-техник воситалар ва уларни жорий қилиш ҳақидаги фан ҳисобланади¹⁰.

Шунга кўра, рақамли криминалистика компьютер воситалари ва ахборот технологияларини қўллаб содир этиладиган жиноятларни очиш билан боғлиқ фаолиятини камраб олувчи илм тармоғи ҳисобланади.

Умумий қилиб олганда, рақамли криминалистика - бу электрон (рақамли) шаклда сақланадиган маълумотларни аниқлаш, олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва хулоса қилишга қаратилган илм-фан тармоғи ҳисобланади.

⁸ Computer Fraud and Abuse Act (CFAA), USA, 1986.

⁹ International Journal of Digital Evidence, Spring 2002 Volume 1, Issue 1: <https://www.utica.edu/academic/institutes/ecii/publications/articles/9C4E695B-0B78-10593432402909E27BB4.pdf>;

¹⁰ Криминалистика, дарслик. Муаллифлар жамоаси - Тошкент: ДТЮУ;

Электрон (рақамли) далиллар деярли барча жиноятларнинг таркибий қисми бўлиб, электрон (рақамли) далиллар ва рақамли криминалистика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ фаолияти учун жуда муҳимдир.

Кейинчалик, халқаро миқёсда ушбу соҳани тартибга солиш мақсадида 2001 йилда Европа Кенгаши томонидан Кибержиноятчиликка қарши Будапешт конвенцияси қабул қилинди, унда электрон (рақамли) далилларни йиғиш, сақлаш ва тақдим этишнинг умумий қоидалари белгилаб берилди¹¹.

Биламизки, электрон далиллардан фойдаланиш заруриятини юзага келиши ўзида электрон далил сифатида баҳоланадиган изларни қолдирувчи техник воситалар билан боғлиқ бўлади. Демак, аввало ушбу техник воситаларни қачондан фойдаланила бошланганлигини билиш мақсадга мувофиқ бўлади.

М.С. Сергеев исботлов фаолиятида техник воситалардан фойдаланишнинг тарихий илдизларини XVI асрга, аниқроғи “обскура камера”сининг яратилишига боғлайди. Муаллифнинг таъкидлашича, Россия империяси Полиция департаментининг 1882 йилги буйруғи “циркуляри” алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳужжатда фотография ва фотофиксация усулларида расмий фойдаланиш тартиби белгиланган. Олимнинг хулосасига кўра, мазкур тарихий ҳужжат жиноят ишини юритишда техник-электрон қурилмалардан фойдаланишнинг расмий бошланиши сифатида баҳоланиши мумкин¹².

Бироқ бизнинг назаримизда, муаллиф томонидан билдирилганидек исботлашда электрон маълумот ва уларни ташувчи воситаларидан фойдаланишнинг бошланиши ёки ривожланиш босқичлари сифатида XVI асрдан бошлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки обскура камераси – ёруғлик нурларини тор тешик орқали ўтказиб, ташқи объектларнинг тескари тасвирини олишга имкон берувчи оптик қурилма бўлиб, у асосан расм санъати ва астрономия соҳаларида қўлланилган.

Тан олиш лозимки, ҳақиқатдан ҳам фотография ўзининг амалий ривожини XIX асрнинг ўрталаридан бошлади ҳамда жиноят процессини юритишда муайян жараёнларни ҳужжатлаштиришда муҳим восита сифатида кенг қўлланила бошланди. Бироқ, бу жараённи биз ишни судга қадар юритиш чоғида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланишнинг такомиллашув босқичи сифатида баҳолашимиз ноўрин.

Чунки электрон маълумотлар дегани иккилик код (0 ва 1) асосида шакллантирилган, электрон қурилмалар ёрдамида яратиладиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган рақамли ахборотни англатади. Фотография эса анъанавий (механик) жараён бўлиб, кимёвий реакция асосида амалга ошади ва электрон технологиялар билан бевосита боғлиқ эмас.

Шу ўринда, биз жиноят-процессуал қонунчиликда ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланишнинг реал бошланиши сифатида процессуал ҳаракатларни олиб боришда аудио воситаларидан фойдалана бошланган вақтни инобатга олиш лозим деб ўйлаймиз.

Зеро, РСФСР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 31 августдаги “РСФСР Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Фармони билан ЖПК 141-модда билан тўлдирилиб, у “Сўроқ жараёнида овозли ёзувдан

¹¹ Convention on Cybercrime (Budapest Convention), Council of Europe, 2001.

¹² Сергеев М.С. Правовое регулирование применения электронной информации и электронных носителей информации в уголовном судопроизводстве: отечественный и зарубежный опыт: дис. ... канд. юрид. наук. Казань, 2018.

фойдаланиш” деб номланди ҳамда сўроқ жараёнида овозли ёзувдан фойдаланишнинг процессуал тартибини қонуний белгилаб берди¹³. Бу ҳолат жиноят-процессуал амалиётда биринчи марта электрон воситалар ёрдамида маълумотларни қайд этиш ва сақлашнинг расмий қонуний асосини яратди.

Бундан ташқари, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дастлабки тергов ҳаракатлари натижаларини самарали қайд этиб боришни таъминлаш мақсадида видеоёзув ва кинотасвирдан кенг фойдаланила бошланди. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, сўроқ, таниб олиш учун кўрсатиш ва бошқа қатор тергов ҳаракатлари видеоёзув воситаларидан фойдаланилган ҳолда қайд этила бошланди. Айниқса, бу технологиялар электрон маълумотларни ташувчи воситалар (магнит лентелар, видеокассеталар) орқали далилий аҳамиятга эга маълумотларни узоқ муддат сақлаш имкониятини берди.

Этиборлиси, бу вақтларда овозли ёзув электрон импульсларнинг (магнит) тебраниши натижасида қайд этилиб, айнан шунинг ўзи ишни судга қадар юритиш чоғида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланишнинг ҳақиқий бошланиши деб ҳисоблашга асос бўла олади. Чунки бу жараён электрон сигналларнинг моддий ташувчиларда (магнит лентелар) сақланишини, кейинчалик уларни қайта тиклашни ва процессуал мақсадларда фойдаланишни назарда тутар эди.

Ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб электрон-ҳисоблаш машиналарининг жадаллик билан ривожланиб бориши билан улардан жамиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан ишни судга қадар юритиш жараёнида ҳам электрон-ҳисоблаш машиналари имкониятларидан фойдаланила бошланди. Бу даврда биринчи марта электрон маълумотларни ташувчи воситалар (қаттиқ дисклар, флоппи дисклар, компакт-дисклар) жиноят-процессуал амалиётга киритила бошланди ва улар орқали терговга оид маълумотларни рақамли шаклда сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш имкони пайдо бўлди.

Электрон-ҳисоблаш машиналаридан оқилона фойдаланиш ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилишига, далилларни осон қайд этишга ва ишни енгил юритилиши ҳамда исботлаш сифатининг бирмунча яхшиланишига сабаб бўлди.

Шунингдек, бу даврда дастлабки тергов босқичида электрон маълумотлардан фойдаланишнинг янги шакллари, яъни компьютер ёрдамида процессуал ҳужжатларни тайёрлаш, электрон архивлар яратиш, рақамли фотография ва видеоёзувларни ишлаб чиқиш пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач 1994 йил кўнрақ 22 сентябрда ўзининг Жиноят-процессуал кодексини ишлаб чиқилди. ЖПКнинг 19 (Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши), 69 (Мутахассис), 81 (Далилларнинг турлари), 91 (Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар), 106 (Сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш), 136 (Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари), 151 (Мурдани эксгумация қилиш баённомаси), 155 (Экспериментни ўтказиш тартиби), 426-моддаларида (Суд мажлисининг баённомаси) процессуал ҳаракатларни амалга оширишда овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттиришнинг қонуний асослари мустаҳкамланди.

¹³ О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР: Указ Президиума Верховного Совета РСФСР от 31.08.1966 // КонсультантПлюс: официальный сайт. URL: <http://www.consultant.ru> (дата обращения: 17.09.2019).

Ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан кенг миқёсда ва тизимли равишда фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-476-сонли Қонуни¹⁴ билан янада мустақамланди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19 (Судда жинойт ишларининг ошқора кўрилиши), 114 (Гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби), 318 (Процессуал чиқимлар), 418 (Жинойт ишининг муҳокамасини кейинга қолдириш), 426-моддаларида (Суд мажлисининг баённомаси) видеоконференсалоқа режимдан фойдаланиш тушунчаси, тартиби ва асосларини киритилди.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жинойт процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-542-сонли Қонуни¹⁵ қабул қилинди. Ушбу қонун ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланиш соҳасида муҳим ўзгаришлар киритди. Хусусан, ЖПК 91¹–91⁴-моддалари билан тўлдирилиб, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида видеоконференсалоқа режимдан фойдаланиш тартиби белгиланди. Мазкур норматив ўзгаришлар электрон маълумотларни масофадан тўплаш, уларни рақамли форматда сақлаш ва процессуал расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-476-сонли Қонуни¹⁶ билан жинойт процессини юритиш чоғида аудиоёзувдан фойдаланиш тартиби ҳам киритилди.

Шу тариқа миллий қонунчиликда ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг қўлланилиш доираси, амалий жорий этиш жараёни ва процессуал тартиби изчил равишда ривожланиб, кенгайиб борди. Натижада замонавий ахборот технологиялари жинойт-процессуал фаолиятнинг ажралмас қисмига айланди ва электрон далиллар билан ишлашнинг мукамал ҳуқуқий базаси шаклланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга жинойт процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-617-сонли Қонуни¹⁷ билан жинойт процессини юритишда видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган тергов ҳаракатларни амалга ошириш тартиби юзасидан қўшимчалар киритилди.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун. 19.04.2018 йил. // <https://lex.uz/uz/docs/3689258>

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жинойт процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун. 24.05.2019 йил // <https://lex.uz/uz/docs/4349703>

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-476-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/664/0014-сон // <https://lex.uz/uz/docs/5213898?ONDATE=13.01.2021%2000#5216167>

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жинойт-процессуал кодексига жинойт процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун. 15.05.2020 йил. // <https://lex.uz/uz/docs/4812289>

Ушбу қўшимча ЖПКнинг 91-моддасига янги мазмун бериб, унда белгиланишича, ўта оғир турдаги жиноятлар юзасидан қуйидаги тергов ва процессуал ҳаракатларида албатта видеоёзув воситаларида фойдаланган ҳолда расмийлаштирилиши лозим: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперимент, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш.

Ваниҳоят фан-технологиялар асри ҳисобланган XXI асрга келиб ҳуқуқий фанларга ўзининг яширинлиги, махфийлик даражасининг юқорилиги ва мураккаблиги сабабли, уларни ҳар томонлама аниқлаб, фойдаланиш қийинлиги каби объектив сабаблар оқибатида замонавий жиноятчилар компьютер технологиялари ёрдамида Интернет оламида турли жиноятларни содир қилишаётган, компьютер воситалари ва технологияларнинг ривожланиши натижасида юзага келган электрон (рақамли) далиллар тушунчаси кириб келди.

Ўз навбатида, ушбу омил Ўзбекистон Республикасини ҳам бевосита қамраб олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига компьютер воситалари орқали содир қилинадиган жиноятларни ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона очиш юқини юқлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида илк бор “электрон далил” тушунчаси Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини янада такомиллаштириш, янги турдаги экспертиза ва тадқиқот турлари жорий этиш мақсадида 2021 йил 5 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6256-сон Фармони¹⁸ да тилга олинган бўлиб, ушбу Фармоннинг 4-илоvasи билан тасдиқланган Рўйхатда 2021 – 2025 йилларда айнан электрон далиллар қаторига кирувчи экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш вазифалари юқлатилган.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори¹⁹нинг иловаси билан тасдиқланган Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 8-бандида, “Электрон (рақамли) далил” тушунчаси, уларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертизадан ўтказиш, баҳолаш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш вазифаси назарда тутилган.

Айнан ушбу қарорда назарда тутилган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, қонунчилик ҳужжатларига “электрон (рақамли) далил тушунчаси, электрон далилларни аниқлаш, тўплаш, тақдим қилиш, текшириш, баҳо бериш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш” масалалари юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, жамиятимизда ахборот технологиялари кескин ривожланганлиги инобатга олиниб, объектив заруратдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 21.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон Фармони/<https://lex.uz/docs/5491507>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори/<https://lex.uz/ru/docs/6681111>

айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни²⁰ билан Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига электрон маълумотлар ва рақамли далиллар тушунчаси кириб келиб, жиноят-процессуал қонунчилигимизда электрон маълумотлар ва рақамли далиллар ҳақида қатъий ҳуқуқий нормалар белгиланди.

Мазкур қонун жиноят-процессуал фаолиятга “электрон маълумотлар” (204¹-модда) ва “рақамли далиллар” (204²-модда) каби тушунчаларини киритиб, уларнинг тўпланиши, тақдим этилиши, кўздан кечирилиши, текширилиши ва баҳоланиши тартибини батафсил белгилаб берди.

Қонунга мувофиқ, электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир. Рақамли далиллар эса иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлардир²¹.

Шунингдек, Қонуннинг қабул қилиниши билан электрон маълумот ва уларни ташувчи воситаларнинг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларидаги ўрни мустақамланди. Айниқса, электрон жисмларни олиб қўйиш, тинтув ва кўздан кечиришда мутахассис иштирокининг мажбурий эканлиги белгиланди ҳамда рақамли далилларнинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлигини сақлаб қолиш принциплари қонуний кучга эга бўлди.

Бугунги кунда ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланиш шундай даражага етиб келдики, ҳатто баъзи ҳолларда замонавий технологияларни қўлламадан ўтказилган ва қайд этилган процессуал ҳаракатлар ўзининг мақбуллик аҳамиятини йўқотади. Хусусан, ўта оғир жиноятлар бўйича видеоёзув орқали расмийлаштирилмаган тергов ҳаракатлари, мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар ёки рақамли далилларнинг яхлитлиги бузилган ҳолларда тўпланган электрон ташувчи воситалардаги маълумотлар номақбул далиллар деб топилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2025 йил 23 июндаги ““Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 14-сон қарорига мувофиқ²², Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон // <https://www.lex.uz/acts/7228758>

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111463/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.02.2026 й)

²² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2025 йил 23 июндаги ““Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 14-сон қарори/<https://www.lex.uz/docs/7613615>

масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарорининг²³ 9-бандида “Далил у ЖПК талаблари бузилган тарзда, жумладан, агар рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилган ёки кўздан кечирилган бўлса мақбул эмас деб топилади” деб қайд этилди.

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасида ишни судга қадар юритиш босқичида электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалардан фойдаланишнинг заруриятининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари тарихий жараён сифатида бир неча асосий босқичларни бошдан кечирди.

Дастлабки босқичда аудио ва видеоёзув технологияларининг жорий этилиши билан бошланган бу жараён, кейинчалик компьютерлашган тизимларнинг кириши, интернет технологияларининг кенг қўлланилиши ва энг сўнгги даврда рақамли далиллар билан ишлашнинг комплекс тизимини яратиш билан ўзининг юқори чўққисига етди.

Юқорида келтирилган илмий изланишлар ва тарихий таҳлилларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ишни судга қадар юритиш босқичида электрон далиллардан фойдаланишнинг тарихий ривожланиш жараёнини қуйидаги асосий ривожланиш босқичларига ажратишни таклиф қиламиз:

биринчи босқич – ишни судга қадар юритишда электрон маълумот ташувчи воситаларнинг фаол жорий этилиши босқичи бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтдан бошлаб, то 1999 йилларни ўз ичига олади. Мазкур даврда жиноят-процессуал фаолиятга киритилган электрон-ҳисоблаш технологиялари ва магнит асосидаги ёзув қурилмалари билан бир қаторда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида дастлабки тергов амалиётига рақамлаштирилган маълумотлар билан ишлашнинг янги усуллари пайдо бўлди. Мазкур босқич электрон маълумот ва уларни ташувчи воситаларнинг жиноят процессидаги роли ва аҳамиятини белгилаб олишда муҳим бўлди, чунки бу даврда электрон технологиялар ёрдамчи восита сифатидан асосий далил тўплаш манбаига айлана бошлади;

иккинчи босқич – ушбу давр 2000-йилдан ҳозиргача давом этмоқда. Мазкур босқичда электрон маълумот ва уларни ташувчи воситалар нафақат терговнинг муҳим ёрдамчиси, балки айрим процессуал ҳаракатлар учун мажбурий талаб даражасига кўтарилди. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, рақамли далилларнинг мақбуллик мезонлари терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларининг сифати ва самарадорлигини белгиловчи асосий омилга айланди. Ушбу даврда айрим тергов ҳаракатларини видеоёзув билан расмийлаштирашлик далилларнинг процессуал мақбуллигини йўқотишига олиб келувчи ҳолатлар шаклланиб, жиноят-процессуал қонунчилигида “электрон маълумотлар” ва “рақамли далиллар” каби тушунчаларни, уларнинг тўпланиши, тақдим этилиши, кўздан кечирилиши, текширилиши ва баҳоланиши тартиби батафсил белгилаб берилган нормаларни юзага келиши билан яқунланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январдаги видеоселектор йиғилишидаги нутқи. – URL: <https://president.uz>

²³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.08.2018 йилдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги №24-сонли Қарори/<https://www.lex.uz/docs/3895986>

2. Levy S. *Hackers: Heroes of the Computer Revolution*. – New York, 1984.
3. Thomas J. *The History of Computer Viruses*. – 2003.
4. Denning D.E. *Information Warfare and Security*. – Addison-Wesley, 1999.
5. Spafford E.H. The Internet Worm Incident // Purdue University Report, 1988.
6. Casey E. *Digital Evidence and Computer Crime*. – Elsevier, 2011.
7. Casey E. *Digital Evidence and Computer Crime*. – Elsevier, 2004.
8. Computer Fraud and Abuse Act (CFAA), USA, 1986.
9. International Journal of Digital Evidence. – 2002. – Vol. 1, Issue 1. – URL: <https://www.utica.edu>
10. Криминалистика. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ.
11. Convention on Cybercrime (Budapest Convention). – Council of Europe, 2001.
12. Сергеев М.С. Правовое регулирование применения электронной информации... – Казань, 2018.
13. Указ Президиума Верховного Совета РСФСР от 31.08.1966.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 19 апрелдаги Қонуни. – URL: <https://lex.uz>
15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги Қонуни. – URL: <https://lex.uz>
16. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги Қонуни. – URL: <https://lex.uz>
17. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги Қонуни. – URL: <https://lex.uz>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6256-сон Фармони/<https://lex.uz/docs/5491507>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори/<https://lex.uz/ru/docs/6681111>
20. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сон Қонуни. – URL: <https://lex.uz>
21. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – URL: <https://lex.uz>
22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2025 йил 23 июндаги қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги №24-сон қарори.